

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Кимё – биология факультети
«Органик ва физколлоид кимё» кафедраси
битирувчиси**

ФЕРУЗА МАВЛОНОВНА ХАМРАЕВА н и н г

**«Ўзбекистонда кимё саноати тарихи ва
ривожланиш истикболлари»**

мавзусида

битирув малака иши

БУХОРО - 2010

МУНДАРИЖА

| | |
|---|-----------|
| КИРИШ | 3 |
| АСОСИЙ КИСМ | 5 |
| 1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кимё саноатининг ўрни ва ахамияти | 5 |
| 2. Ўзбекистонда кимё саноатининг ривожланиш тарихи | 10 |
| 3. «Ўзкимёсаноат» ДАК шаклланиш ва ривожланиш тарихи | 11 |
| 4. Ўзбекистон кимё саноатининг минерал хом ашё ресурслари | 28 |
| 5. Замонавий кимё саноатини шакллантириш хусусиятлари | 32 |
| 6. Кимё фани ва саноати ҳамкорлиги | 35 |
| 7. Ўзбекистон кимё саноатининг ривожланиш истикболлари | 49 |
| ЯКУНИЙ КИСМ | 53 |
| Фойдаланилган адабиётлар | 56 |
| ИЛОВАЛАР: | 59 |
| 1. «Навоийазот» ОАЖ экспорт қилаётган маҳсулотлар рўйхати | 59 |
| 2. Фотогалерея – ўзбек кимёгар академиклари | 61 |

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси ўз кимё фани, саноати ва кимё таълими бўйича жаҳондаги мамлакатлар орасида ўзига хос ўринга ва мақомга эга бўлиб, кейинги йилларда ушбу соҳанинг халқ хўжалигидаги салмоғи тезкор суръатларда ошиб бормоқда..

Замонавий кимё саноатининг шаклланиши ва унинг экспорт салоҳияти мунтазам ошиб боришида 2005-2010 йй. Республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг кимё саноатини жаҳон талаблари даражасида технологик қайта жиҳозлаш, чет эл инвестициялари ушбу жараёнга жалб этиш ва замонавий бошқарув тизимини шакллантириш бўйича:

- 1. «Фан ва инновацион фаолиятни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида» Ўзб.Респ. ВМ 1992 йил 21 июлидаги 337-сонли қарори;**
- 2. «Кимё саноати корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизматларини кўрсатишни яхшилаш тўғрисида» Ўзб. Респ. ВМ 2004 йил 23 январдаги 33-сонли қарори;**
- 3. «О мерах по обеспечению своевременной реализации на предприятиях ГАК «Узкимёсаноат» проекта ПРООН «Механизм чистого развития Киотского протокола» Пост. Президента РУз № ПП-540 от 25.12.2006 г.;**
- 4. «Кимё саноати корхоналарини техник ва технологик такомиллаштириш 2007-2010 йй. дастури» Ўзб. Респ. Президенти ПП 667 қарори (27.07.2007 й.).**
- 5. «Кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзб. Респ. Президенти ПП -1071 қарори (14.08.2009 й.).**

ҚАРОРЛАРИ соҳа тақдири учун хал этувчи аҳамиятга эга бўлди.

Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш фосфорит, целлюлоза, каустик сода, калийли ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, толуол, полимерлар ва турли пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш бўйича бўйича республиканинг мустақиллигига эришиш, маҳаллий хом ашёдан янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш, чет элдан олинаётган кимёвий маҳсулотларнинг асосий турларини республикада маҳаллий хом ашёлардан ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, саноат корхоналари чиқиндаларини қайта ишлаш, ишлаб чиқариш жараёни бошқарувини компьютерлаштириш, экологик муаммоларининг олдини олиш ва амалдагиларини ҳал этиш, кимё саноатининг экспорт имкониятларини янада ошириш йўналишларида олиб борилиши белгилаб қўйилди [1-3, 4, 6].

Бу улкан вазифалар ижроси ўз навбатида Ватанимиз кимё фани, саноати учун юқори малакали кимёгар – технологлар тайёрлаш жараёнини замонавий кимё таълими технологиялари асосида жаҳон таълим стандартлари даражасида ташкил этишни тақозо қилади [11-15].

Ушбу малакавий битирув иши Ватанимизда кимё а саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тизимли равишда ўрганишга ва Ватанимиз замонавий кимё саноатининг XXI асрда тезкор ривожланиш истиқболларини ёритишга бағишланган.

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида кимё саноатининг ўрни ва ахамияти

Кимё саноати Республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди, чунки кимё корхоналарида халқ хўжалигининг барча соҳалари учун зарур бўлган турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Масалан, фақатгина "Ўзкимёсаноат" кимё корхоналарида бугунги кунда 250 дан ортиқ номда маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда ва бир қисми экспортга жўнатилмоқда.

Республика саноат маҳсулотлари умумий ҳажмида кимё саноати корхоналари маҳсулотларининг солиштирма ҳиссаси 5,0 фоиздан ортиқ улушни ташкил этади, саноат ишлаб чиқариш корхоналаридаги ходимларнинг умумий сони 45 минг кишидан ортиқ. Республика кимё саноатида табиий газ, нефть, кўмир, олтингугурт, озокерит, турли минераллар, рангли металллар, оҳактош, графит, ош тузи конлари ишга туширилмоқда, пахта ғўзапояси ва канопни қайта ишлаш чиқиндиларидан эса хом ашё тарзида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳалари учун ва кимё саноатининг ўзида ҳам хом ашёларнинг маълум қисми, кимёвий технологик жиҳозлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари четдан олиб келинади. Айни пайтда кимё саноатимизнинг бир қатор маҳсулотлари (минерал ўғитлар, кимёвий толалар ҳамда иплар, синтетик аммиак, лак-бўёқлар ва бошқалар) жаҳоннинг бир қатор мамлакатларига (Хитой, Россия Федерацияси, Украина, Қозоқистон, Болтиқ бўйи давлатлари, Жанубий Корея) экспорт қилинмоқда [18-20,24].

Республика кимё саноатининг асосий тармоқлари:

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш:

аммиакли селитра, карбамид, аммофос, аммоний сульфат, суперфосфат, аммиакли сув, шунингдек азотли ва фосфорли мураккаб ўғитлар "Электрокимёсаноат" (Навоий), "Фарғонаазот" ва "Навоиазот" корхоналарида азотли ўғитлар, "Аммофос" (Олмалик) ва "Самаркандкимё" ОАЖ ларида ва "Кўқон суперфосфат" кўшма корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг калийли ўғитларга бўлган йиллик эҳтиёжи 300 минг т. (100 % озик модда ҳисобида) бўлиб, Қашқадарё вилоятидаги Тюбетаган калий тузлари кони негизида калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши Хитой ва Россия компаниялари билан ҳамкорликда 2010 й. августида ишга тушириш режалаштирилган.

Қорақалпоғистонда ва Навоий вилоятида топилган фосфорит конлари базасида 1997 йилда Қизилқум фосфорит комбинати қурилиб ишга туширилди ва Қозоғистоннинг Қоратоғ фосфорит конидан йилига \$44 млн. сарфлаб минерал хом ашё келтиришга барҳам берилди [25,30]..

ИЗОХ: бугунги кунда Республикамиз эҳтиёжларидан ошиқча бўлган минерал ўғитлар ва кимёвий маҳсулотлар бир қатор чет мамлакатларга (2004 й. \$60,72 млн. ва 2005 й. \$74,02 млн.) экспорт қилинмоқда.

Минерал кислоталар ишлаб чиқариш:

Сульфат кислота - Чирчиқ "Электркимёсаноат" ОАЖ, Олмалик "Аммофос" ОАЖ, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларида йилига 1 млн.т. миқдорида ишлаб чиқарилади.

Азот кислота - "Фарғонаазот", "Навоиазот", "Аммофос" (Олмалиқ) ва "Самаркандкимё" кимё корхоналарида 1,5-2,0 млн. тн. ишлаб чиқарилади.

Ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари

"Фарғонаазот" ОАЖ да 1995 йилдан буён турли дефолиантлар, десикантлар, гербицидлар, инсектицидлар ва фунгицидлар;

Навоий "Электркимёзаводи" АЖ да 1960 йилдан буён турли гербицидлар – нитран, которан, котофор, агродарм, бронотак; инсектицидлар – фозалон, трефлан ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий химоя қилувчи олтингугурт кукуни Шўрсув кон-кимё корхонасида ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилади (2005 йилда 150 минг тонна и/ч!).

Кимёвий толалар ва иплар ишлаб чиқариш:

Фарғона кимёвий толалар заводида 1959 йилдан ацетат иплар; "Навоийазот" ОАЖда 1974 йилдан буён нитрон ва акрил толалари;

Фарғона фуран бирикмалари кимё заводида 1946 йилдан буён пахта линтидан целлюлоза ишлабчиқариш йўлга қўйилган;

"Фарғонаазот" ОАЖ да целлюлоза ацетати ишлаб чиқарилади ва кимёвий толаларнинг қариёб 2/3 қисми бир қатор мамлакатларга экспорт қилинади.

Кимё саноатида гидролиз корхоналари:

Фарғона фуран бирикмалари кимё (1946 йил), Янгийўл биокимё (1952 йил), Андижон гидролиз (1953 йил) заводларида асосий хом ашё – чигит шелухаси, шоли қобиғидан техник этил спирти, фурфурол, озуқа ачитқилари (хамиртуруш), фурил спирти, ксилит, лапрол, катализаторлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

1990 - йиллар бошидан бу заводларда ғалладан озиқ-овқат (этил) спирти ишлаб чиқариш ўзлаштирилди: Андижон биокимё заводида йиллик қуввати 915 минг дкл (1994 йил), "Қўқон" ишлаб чиқариш бирлашмасида 1800 минг дкл (1995 йил) ва Янгийўл биокимё заводида 915 минг дкл (1996 йил) этил спирти ишлаб чиқарилди ва Республика озиқ-овқат, тиббиёт, атир-упа саноати тармоқлари маҳаллий этил спирти билан таъминлана бошланди. Бу корхоналарда йилига 4 минг тоннага яқин карбон кислоталари ҳам ишлаб чиқарилади. Андижон биокимё заводида 1992 йилдан қуруқ хлорелла биомассасини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган (1994 йилда 2 тонна).

Резина маҳсулотлари:

Ангрен "Ўзбекрезинотехника" ИЧБ (1975 й.) ва Тошкент "Резинотехника" заводида (1944 й.) ишлаб чиқарилади. 1992 йилдан бирлашмада енгил автомобиль шиналари тайёрлашни ўзлаштирилди. 1996 йилдан енгил автомобиллар учун 1,5 млн. дона, юк автомобиллари учун 200 минг дона шина, аҳоли учун 10 млн. жуфт (калиш) резина оёқ кийимлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва сотилди.

Полимер ва пластмасса маҳсулотлари:

Оҳангарон "Сантехлит", "Жиззахпластмасса" полимер қувурлар ва аккумулятор заводлари, турли марказдаги лак-бўёқ маҳсулотлари (Тошкент "Рангли лак" фирмаси - "Лак –бўёқ" заводи, 1946 йил), мебель саноати учун синтетик смолалар (Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи), рўзғор кимёси товарлари ("Ўзрўзғоркимё" бирлашмаси, 1987 йил; Олмалик уй-рўзғор кимёси маҳсулотлари заводи, 1971 й.) ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо қилинди.

Косметик кимё маҳсулотлари:

"Лола" фирмаси (Тошкент, 1942 йил), дори-дармонлар "Ўзкимёфарм" ва "Ўзфармсаноат" давлат-акциядорлик концерни корхоналарида ишлаб чиқарилади. Тармоқдаги бир неча корхоналарда 1993 й. ғўзапоядан мебель ва қурилиш саноатида кенг ишлатиладиган ёғоч-толали тахталар (оргалит) ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Фармацевтик кимё корхоналари:

Замонавий доривор моддалар асосан чет эл (Хиндистон, Хитой, Россия, Жанубий Корея....) билан ҳамкорликда тузилган "Гуфик Авиценна", "Аджантафарм", "Лауэр", "Сурханаджантафарм" қўшма корхоналарида ишлаб чиқарилади ва четдан олиб келинган препаратлар қадоқланади.

Юқорида келтирилган маълумотларни кимё саноатининг Республикамиз иқтисодиётидаги ўрнини яққол кўрсатувчи далиллар сифатида қараш мумкин.

Кейинги бўлимда Ватанимиз ҳудудида кимё саноатининг дастлабки корхоналарининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи билан танишамиз.

2. ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўзбекистонда зарурий хом ашё манбалари бўлишига қарамай, XX-асрнинг 30-йй. гача йирик кимё саноати корхоналари йўқ эди. 1910 й. оҳак куйдириш, ўсимлик бўёғи олиш, олтингугурт ишлаб чиқариш, ишқорий моддалар тайёрлаш, совунгарлик билан шуғулланган кичик корхоналар: 2 совун заводи, нефтни қайта ишлаш заводи ва 2 бўёқ фабрикаси бўлган.

Замонавий кимё саноатининг шаклланиши 1932 йилда Фарғона водийсида қадимдан олтингугурт қазиб олинган Шўрсув олтингугурт кони ишга туширилиши билан бошланди (1-расм). Чирчик электрокимё комбинати 1940 йил октябрь ойидан бошлаб маҳсулот бера бошлади ва 1940 йилда республика саноат маҳсулоти ҳажмида кимё саноати ҳиссаси 0,8% ни, кимё корхоналари ишчилари сони саноат ишчиларининг 1 % ни ва саноат ишлаб чиқариш фондининг 7,4 % кимё саноати ҳиссасига тўғри келган.

ЎзР ВМ 2004 йил 15 январь 21-сонли ва 23 январь 33-сонли Қарорлари билан қуйидаги корхоналар алоҳида соҳалар бўйича бирлаштирилган:

- спирт заводлари - "Андижон биокимё заводи" ОАЖ, "Қўқонспирт" ОАЖ, Янгийўл "Биокимё" ОАЖ. Ушбу корхоналар "Ўзмеваузумсаноат" ХК га қарашли "Ўзспиртсаноат" АЖ таркибига бириктирилган;

- турли халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар: Ангрен "Ўзбекрезинотехника" ОАЖ, Наманган "Карбонам" ОАЖ, Тошкент "Маиший кимё" ОАЖ, Тошкент "Лак бўёқ заводи" ОАЖ.

3. "Ўзкимёсаноат" ДАЖ шаклланиши ва ривожланиш тарихи

Республика мустақилликка эришгунига қадар кимё саноати корхоналари СССР Кимё саноати вазирлиги томонидан бошқарилган. 1991 йилда Ўзбекистондаги кимё корхоналари давлат концернига бирлаштирилди.

1994 йил мартда давлат концерни кимё корхоналари "Ўзкимёсаноат" уюшмасига айлантирилди. 2001 йил мартда уюшма тугатилиб, унинг асосида "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси (ДАК) ташкил қилинди ва 2004 йил январида компания таркибий жихатдан қайта шакллантирилди.

Компания таркибига: 7 та ОАЖ туридаги, 3 та ҚК-АЖ туридаги ва 3 та давлат ишлаб чиқариш корхоналари; 13 та "Қишлоқхўжаликкимё" худудий АЖлар (ХАЖ), 2 та илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари, 1 та МЧЖ, "Ўзкимёсаноатлоиҳа" ОАЖ (Чирчиқ ш.) ва "Тошкент кимёвий технология илмий - тадқиқот" давлат унитар корхонаси киритилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг 12 та вилоятидаги "Қишлоқхўжаликкимё" тузилмалари ўзларининг 100 дан ортиқ бўлимлари орқали кимё саноати корхоналаридан етказиб берилган минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларга эҳтиёжни режалаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларга сотиш билан шуғулланадилар [7-11]..

2006 йилда "Ўзкимёсаноат" ДАК таркибида 12 асосий кимё корхоналари қолдирилди ва уларни чет эл инвестициялари ҳисобидан технологик қайта жихозлаш ва тўлиқ давлат тасарруфидан чиқариш бош режаси ишлаб чиқилди ва тизимли равишда амалга оширилмоқда (2-расм).

Ўзб. Респ. КИМЁ САНОАТИ ШАКЛЛАНИШИ

1. **ЧИРЧИК ЭЛЕКТРОКИМЁ»** -1940 й., харбий махсулотлар, katalizatorlar;
2. **ТОШКЕНТ КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА** - 1942 й., дори-дармон;
3. **ЯНГИЙУЛ «БИОКИМЁ»** - 1942 й., ачитки, эритувчилар;
4. **ТОШКЕНТ "ЛОК–БЎЁҚ"** - 1946 й., атир – упа, косметика;
5. **ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАРИ** -1946 й., харбий соха;
6. **«ФАРҒОНА АЗОТ»** - 1956 г., аммиакли селитра, карбамид;
7. **ФАРҒОНА КИМЁВИЙ ТОЛАЛАР** - 1959 й., ацетат иплар;
8. **НАВОИЙ "ЭЛЕКТРОКИМЁ"** -1960 й., гербицидлар
9. **КЎКОН СУПЕРФОСФАТ** – 1966 й., фосфат ўғитлари;
10. **«НАВОИЙ АЗОТ»** - 1964 й., азотли ўғитлар ; H₂, O₂, N₂, Argon;
11. **САМАРКАНДКИМЁ** - 1975 й., сульфат к-та, куш суперфосфат;
12. **«АММОФОС» ОЛМАЛИК ш.** - комплекс фосфат ўғитлари;
13. **КИЗИЛКУМФОСФОРИТ** – 1997 й., бойитилган фосфоритлар;

1-расм. Ўзбекистон кимё саноатининг шаклланиш солномаси.

Ўзбекистон кимё саноати тарихи:

- *1932 й. Фаргона вилояти Шўрсув олтингургурт кони !!*
- *1991 й. «Ўзкимёсаноат" давлат концерни;*
- *1994 й. Ўзб. Респ. кимё корхоналари уюшмаси;*
- *2001 й. «Ўзкимёсаноат» ДАК (давлат акц. компанияси);*
- *2004 й. "Ўзкимёсаноат" = 29 кимё корхона;*
- *2006 й. "Ўзкимёсаноат" = 12 кимё корхона;*
- *2009 й. 6 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда;*
- *2012 й. қўшма корхоналар сони 30 тага етказилади!*

2-расм. «Ўзкимёсаноат» ДАК шаклланиш солномаси

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАЖ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

3.1. МАХАМ-ЧИРСИҚ» ОАЖ ҳақида қисқа маълумотлар

| | |
|--------------------------|---|
| Почта манзили | 702108, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., |
| Корхона раҳбари | Сайдахмедов Хатам Анварович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (7171) 6-40-79, Факс: +998 (7171) 5-34-40, 6-50-04 |
| Веб сайт | http://www.uzehp.com/ |
| Электрон манзил (E-mail) | ehpmarket@mail.ru ehpmarket@uzehp.com |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Очиқ акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 6150 киши |

Маркетингга оид маълумотлар

| | |
|---|--|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Аммиакли селитра, карбамид, аммоний сульфати, аммиак, аммиакли сув, азот кислотаси, катализаторлар ва бошқалар |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Табий газ, каустик сода, суюқ хлор, олтин гугурт, ацетон, бензол, формалин, метанол, моноэтанолламин |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги, кимё ва саноатнинг бошқа тармоқлар корхоналари |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон, Қирғиз., Хитой, Эрон, Туркия |

КОРХОНА ТАРИХИ:

Чирчиқ "Электрокимёсаноат" корхонаси 1940 й. ишга туширилган бўлиб, асосий маҳсулотлари: аммиак, аммиакли селитра ва карбамиддир.

1941-1946 йй. корхонада ҳарбий мақсадлар учун турли маҳсулотлар ва кимё саноати учун турли катализаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2007 й. март ойида корхонанинг 49% акциялари Испания қироллиги МАХАМ Corp. томонидан \$ 22 млн. сотиб олинди ва корхонани технологик қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2007 -2012 йй. \$55 млн. қўшимча инвестициялар киритиш ва жаҳон бозори учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш режалаштирилган (2010 й. ғовакли селитра цехи, \$15,4 млн.).

3. 2. «НАВОИЙАЗОТ» ОАЖ хақида қисқа маълумот

| | |
|--------------------------|---|
| Почта манзили | 706800, Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри |
| Корхона раҳбари | Ботиров Бахтиёр Баратович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (436 22) 9-22-04 Факс: +998 (436 22) 3-75-80 |
| Веб-сайт | http://www.navoiyazot.uz/ |
| Электрон манзил (E-mail) | departmarket@yandex.ru nazotves@uzpak.uz |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Очиқ акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 10400 киши |

МАРКЕТИНГГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

| | |
|---|---|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Аммиакли селитра, аммоний сульфати, нитрон толаси, уксус кислотаси, цианли натрий, азот кислотаси, литий карбонати, метанол, техник солян кислотаси, полиакриламид, газ ҳолатли аргон, формалин, суюқ хлор, унифлок, ацетилен ба бошқалар |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Катионли ранг берувчи моддалар, катализаторлар, сорбитал, сорбитан, гидроксинон, моноэтаноламин, калцийлаштирилган сода, техник туз, порофор, изопропил спирти, диизопропил эфири, итакон кислотаси, темир купорос, олтин гугурт, термолан, триамон |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги, НТМК, «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналари, АТМК, «НавоийТЭС» ОАЖ, «ТАПОиЧ» ДАЖ, ТТЗ, «ЮПК» ОАЖ |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Хитой, Эрон, Покистон, Туркия, Украина, Россия |

КОРХОНА ТАРИХИ - АСОСИЙ САНАЛАР:

«Navoiyazot» ОАЖ тарихи 45 йиллик даврни ўз ичига олади.

- 1964 йил 13 декабр Биринчи Навоий азоти ва кислороди олинган
- 1964 йил 20 декабр Кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариши цехлари иш бошлаган
- 1964 йил 24 декабр Кучсиз азот кислотаси ишлаб чиқариши цехи иш бошлаган
- 1964 йил 29 декабр Аммиакли селитра нинг биринчи тонналари олинган
- 1964 йил 31 декабр Навоий кимё комбинати барпо этилди
- 1965 йил 8 март Биринчи аммиак ишлаб чиқарилган
- 1965 йил март Йилига 110 минг тонна маҳсулот и/ч эришилган.
- 1968 йил август Карбонат кислотаси, натрий цианиди, цианид ва сирка кислотаси, ацетилен, ацетальдгид ва сульфат аммоний и/ч бошланган.
- 1969 йил 5 декабр Цианид кислотаси цехи ишга туширилган
- 1970 йил 31 декабр Йиллик қуввати 35 минг тонна бўлган ацетилен ва 20 минг тонна ацетальдегид ишлаб чиқариши объектлари қабул қилинган
- 1971 йил 7 январ Азот кислотаси и/ч цехи қабул қилинган
- 1971 йил 9 январ Кимё комбинати III навбатида аммиакли селитра олинган
- 1971 йил 25 октябр Нитрон толаси ишлаб чиқариши I навбати ишга туширилган
- 1973 йил 21 апрел Нитрил акрил кислотаси (НАК) нинг биринчи тонналари олинган
- 1975 йил «Navoiyazot» ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилган
- 1976 йил октябр «Катализатор» ишлаб чиқариш мажмуи ишга туширилган
- 1988 йил Тиомочевина ва HCl ишлаб чиқариш йўлга қўйилган
- 1990 йил апрел Халқ истеъмол моллари и/ч 129 – цехи ишга туширилган
- 1991 йил Капролон, унифлок, «Диола», «Вест» шампуни, БЭС-1 эпоксида ..
- 1992 йил 131-цехда 3212 маркали юпка йигирилган ип олинган.
Энокс-210, УП-631, ЭД-20, ЭЛ-16, КФЖ қатрони, КС-11 смоласи...
- 1993 йил «Мечта», «Луч», «Рельеф», «Ручеек» янги матолари и/ч бошланган.
- 11993 йил Аёллар трикотаж буюмларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилган.
- 2000 йил май «Катализатор» цехи янги маҳсулот – формалин тайёрлаган
- 2001 йил август Германиянинг «Lurgi» МЧЖ компанияси билан ҳамкорликда инвестицион дастур асосида суюқ хлор, хлор маҳсулотлари ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича цех ишга туширилган
- 2003 йил – 2010 йй. «Навоийазот» ОАЖ чет эл инвесторлари билан кенг қўламдаги ҳамкорлик лойиҳаларини ижро қилишни бошлади.



3.3. «ФАРҒОНААЗОТ» ОАЖ хақида қисқа маълумот

| | |
|--------------------------|--|
| Почта манзили | 712006, Ўзб. Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ў.Юсупов кўчаси 222 |
| Корхона раҳбари | Ҳайдаров Тоҳир Ҳайдарович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (373) 222-20-02 Факс: +998 (373) 222-65-70 |
| Электрон манзил (E-mail) | azot@vodiy.uz |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Очиқ акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 5727 киши |

Маркетингга оид маълумот

| | |
|---|--|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Аммиакли селитра, карбамид, аммиак, натрий хлорати, хлорат магнийли дефолиант, целлюлоза диацетати ва бошқалар |
| Ишлаб чиқариш зарур хом ашё | Табиий газ, солян кислотаси, техник туз, хлорли магний, каустик сода, моноэтанолламин, олтин гугурт кислотаси |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги, кимё ва саноатнинг бошқа тармоқ корхоналари |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Россия, Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон, Қирғизистон, Хитой, Эрон |

КОРХОНА ТАРИХИ:

1962 й. «Фарғонаазот» да грануланган аммиакли селитра и/ч бошланди.

1964 й. «Фарғонаазот» да аммиак олиш цехи ишга туширилди.

1968 й. «Фарғонаазот» да аммиак олиш цехи 2 навбати ишга туширилди.

1985 й. «Фарғонаазот» да карбамид и/ч бошланди.

2002 й. «Фарғонаазот» да хлорат – магнийли дефолиант и/ч бошланди.

Халқаро ҳамкорлари : «ТЕКНИП», Франция; «MBNS» Чехия Республикаси.

2010-2012 йй. карбамид и/ч технологик жиҳозлашга \$ 9,8 млн. сарфланади.

3.4. «АММОФОС» ОАЖ ҳақида қисқа маълумот

| | |
|-------------------------|---|
| Почта манзили | 702419, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри |
| Корхона раҳбари | Содиқов Баҳодир Багирович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (371 61) 3-49-60, Факс: +998 (371 61) 2-22-38 |
| Электрон манзил, E-mail | ammofos1@yandex.ru |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Очиқ акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 2713киши |

Маркетингга оид маълумотлар

| | |
|---|---|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Аммофос, аммоний сульфат фосфат, супрефос, аммоний сульфати, ДВП, электролит, ортофосфор кислотаси, сульфат кислота ва бошқалар |
|---|---|

| | |
|----------------------------------|----------------------------------|
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Фосфор уни, олтин гугурт, аммиак |
|----------------------------------|----------------------------------|

| | |
|-------------------------------|--|
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги, кимё ва саноатнинг бошқа тармоқ корхоналари |
|-------------------------------|--|

| | |
|-------------------------------------|-------------------------------------|
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Тожикистон, Афғонистон, Хитой, Эрон |
|-------------------------------------|-------------------------------------|

КОРХОНА ТАРИХИ:

Корхона 1969 й. ишга туширилган ва турли фосфорли ўғитлар: аммофос, суперфосфат, аммоний сульфат, аммонийсульфофосфат и нитрокальцийфосфат и/ч ихтисослашган.

Асосий ютуқларидан бири маҳаллий Кизилкум фосфорит комбинати (1997 й. ишга туширилган) маҳсулотидан фойдаланиш бўлиб, бугунги кунда чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда технологик қайта жиҳозлашни амалга оширмоқда.

2007 й. мартида Испания қироллигининг МАХАМ Corp. корхонанинг 49% акцияларини 22 млн долларга сотиб олди ва 2009-2010 йй. яна 55 млн долл технологик такомиллаштириш ишларини таъминлайди.

3.5. «САМАРҚАНДКИМЁ» ОАЖ ҳақида қисқа маълумот

| | |
|---|--|
| Почта манзили | Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Кимёгарлар шаҳарчаси |
| Корхона раҳбари | Раджабов Рўзмат |
| Телефон, факс | Тел: +998 (3662) 50-60-35, Факс: +998 (3662) 25-16-97 |
| Электрон манзил, E-mail | samhimzavod@yandex.ru |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Очиқ акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 769 киши |
| Маркетингга оид маълумот | |
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Нитрокалийфосфатли ўғит (НКФУ), аккумулятор кислотаси |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Фосфоритли ун, азот кислотаси |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги, кимё ва саноатнинг бошқа тармоқ корхоналари |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон, Эрон |

КОРХОНА ТАРИХИ:

Корхона 1954 й. Каратау (Казахстан) фосфорит рудаси асосида қишлоқ хўжалиги учун оддий суперфосфат ўғити и/ч учун ишга туширилди.

1991 -1996 йй. МДХ корхоналари орасидаги молиявий ҳисоб-китоблар қийинчилиги (1 йиллик фосфорит рудаси учун **\$44 млн.**) ва хом ашё етишмаслиги оқибатида корхона и/ч қувватини чеклади.

1996 й. ОАЖ шаклига ўтказилди ва 2007 й. августидан янги маҳсулот – йилига 100 минг. тонн нитрокалийфосфат комплекс ўғити и/ч йўлга қўйилди.

Чет эл инвесторлари ва «ўзкимёсаноат» ДАК маблағи ҳисобидан ҳ/в бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

3.6. «ҚЎҚОН СУПЕРФОСФАТ ЗАВОДИ» ОАЖ ҳақида қисқа маълумот

| | |
|-------------------------|--|
| Почта манзили | 713013, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қоқон шаҳри, Давронбек кўчаси 87 |
| Корхона раҳбари | Ҳасанов Джабборхон Ҳасанович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (37355) 2-21-06, Факс: +998 (37355) 2-52-71, 2-35-42 |
| Электрон манзил, E-mail | sfz@quqon.uz |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Очиқ акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 703 киши |

МАРКЕТИНГГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

| | |
|---|--|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Аммонийлаштирилган суперфосфат |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Фосфор уни, олтигугурт кислотаси, аммиак |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги, кимё ва саноатнинг бошқа тармоқ корхоналари |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Тожикистон, Қирғизистон |

КОРХОНА ТАРИХИ:

Корхона 1946 й. ишга туширилган. Асосий и/ч йўналишлари: сульфат кислотаси ва турли модификациядаги суперфосфат ўғитлари ва аммоний сульфат. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш дастурига кўра ОАЖ айлантирилган ва инвесторлар ҳисобидан босқичма-босқич технологик жиҳозланмоқда. 2008 й. ОАЖ «Монолит» (Москва) корхонанинг 85,2% акцияларини сотиб олди ва и/ч такомиллаштирмоқда. Х/вақтда корхона суткасига 550 тонн ҳажмида турли ўғитлар и/чиқармоқда.

3. 7. ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАРИ КИМЁ ЗАВОДИ ҳақида маълумот

| | |
|-------------------------|--|
| Почта манзили | 712024 Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Н.Ҳикмет кўчаси 15 |
| Корхона раҳбари | Сабилов Сергей Назирович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (3732) 23-45-01, Факс: +998 (3732) 23-45-70 |
| Электрон манзил, E-mail | pulp@simus.uz |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Давлат корхонаси |
| Ишчилар сони | 927 киши |

АРКЕТИНГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРЛАР

| | |
|---|---|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Пахта целлюлозаси, фурфурол, фурфурил спирти, этил техник спирти, синтетик смолалар, ФХЛ-1 реагенти |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Пахта линти, техник натр, натрий гипохлорити, олтингугурт кислотаси, пахта шелухаси |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | «Фарғонаазот» ОАЖ, ТТЗ, «Ўзкимёмаш» ОАЖ |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Россия, Украина, Хитой |

КОРХОНА ТАРИХИ:

Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи 1946 й. ишга туширилган бўлиб, ўша пайтда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Ҳозирги вақтда пахта заводлари чиқиндиларидан турли целлюлозалар и/ч ихтисослашган ва ўз маҳсулотини Россия, Украина, Хитойга экспорт қилади. 2002 й. Unionmatex фирмаси (Германия) \$ 50 млн. сарфлаб, корхонани тўлиқ технологик таъмирдан чиқарди. 2009 -2010 йй. корхонада яна бир катор ҳамкорлик лойиҳалари амалга ошириш режалаштирилган.

3.8. ФАРҒОНА КИМЁ ТОЛАЛАР ЗАВОДИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

| | |
|-------------------------|---|
| Почта манзили | 712024 Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Кимёгарлар кўчаси 1 |
| Корхона раҳбари | Лопанов Вячеслав Иванович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (3732) 22-37-22, Факс: +998 (3732) 222142 |
| Электрон манзил, E-mail | chemfiber@vodiy.uz ; valtom49@mail.ru |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Давлат корхонаси |
| Ишчилар сони | 1200 киши |

МАРКЕТИНГГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

| | |
|---|--|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Ацетат иплари, полиамид-6 грануляти, корд матоси |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Целлюлоза ацетати, ацетон, капролактан |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналари |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Россия, Жанубий Корея, Хитой |

КОРХОНА ТАРИХИ:

Ўрта Осиё ва Козоғистон енгил саноат корхоналарини хом ашё билан таъминлаш мақсадида 1957 й. Совнарком томонидан корхонанинг қурилиши ҳақида қарор чиқарилган. **1964** январида қурилиши бошланган ва **1969 й.** 3,3 минг тн., 1970 й. - 4,2 минг. Тн., 1971й. - 3,4 минг тн., 1972 й. - 2,6 минг тн. маҳсулот и/ч. Йиллик куввати ацетат ва полиамид6 толалари биргаликда 14800 тоннани ташкил этади. 2006 й. 26,64 т ацетат тола и/ч.

1993 й «Хема Бальке Дюрр» (ФРГ) технологик кайта жихозланган.

100% акциялари давлат тасарруфида бўлиб, ҳозирда сотувга чиқарилган.

3.9. «ЖИЗЗАХ ПЛАСТМАССА» ОАЖ ҳақида қисқа маълумот

| | |
|-------------------------|---|
| Почта манзили | 708000 Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри Тошкент кўчаси 5 |
| Корхона раҳбари | Хусанов Ҳайдаркул Хусанович |
| Телефон, факс | Тел: +998 (7222) 4-27-85, 4-15-22 Факс: +998 (7222) 4-18-05 |
| Электрон манзил, E-mail | jizplast@intal.uz |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Очиқ акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 450 киши |

МАРКЕТИНГГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

| | |
|---|---|
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари | Полиэтилен пленкаси, полиэтилен қувурлар, халқ истеъмол моллари |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Юқори ва паст босимли полиэтилен |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги, фермер хўжаликлари, хусусий фирмалар, қурилиш ташкилотлари |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Қозоғистон, Тожикистон |

КОРХОНА ТАРИХИ:

"Жиззахпластмасса" заводи 1972 йил ишга туширилган, асосий маҳсулотлари полиэтилен пленкалар, қувурлар ва пластмассадан тайёрланган уй-рўзғор буюмлари. Корхона 1996 й. ОАЖ айлантирилган, ҳозирда 57,76% акциялари (\$3,63 млн.) сотувга чиқарилган.

Хамкорлари: пластмасса ва пропилен маҳсулотларини қайта ишловчи Оҳангарон "Сантехлит", Жиззах пластмасса қувурлари заводлари, мебель саноати учун синтетик смолалар (Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи), "Ўзрўзғоркимё" бирлашмаси, 1987 йил; Олмалик рўзғор кимёси заводлари.

3.10. «ЭЛЕКТРОХИМЗАВОД» ҚК-ЁАЖ ҳақида қисқа маълумот

| | |
|--|---|
| Почта манзили | Ўзбекистон Республикаси, Навоий вилояти, Навоий шаҳри-9 |
| Корхона раҳбари | Хусанов Бахтиёр Сағдиевич |
| Телефон, факс | Тел: +998 (436 22) 3-13-40 Факс: +998 (436 22) 3-33-62 |
| Электрон манзил, E-mail | www.nexz.uz ; nehz@mail.ru |
| Тармоқ | Кимё саноати |
| Юридик мақоми | Қўшма корхона — Ёлик акциядорлик жамият |
| Ишчилар сони | 820 киши |
| МАРКЕТИНГГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР | |
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари | Ўсимликларни муҳофазалаш кимё воситалари, суперфосфат |
| Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё | Амалдаги модда ва компонентлар |
| Асосий маҳаллий истеъмолчилар | Қишлоқ хўжалиги |
| Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар | Тожикистон |

КОРХОНА ТАРИХИ:

Навоий "Электркимёзаводи" 1971 йилда Ўрта Осиё регионлари учун ўсимликларни турли ҳашоратлардан сақловчи инсектоакарицид, гербицид, фунгицидлар и/ч учун қурилган. 1994 йилда Навоий «Электркимёзаводи» ҚК-ЁАЖ Ўзбек-Панама қўшма корхонасига айлан-тирилди, замонавий технологик ва кадоклаш ускуналари ўрнатилди, чет эл фирмалари: Syngenta (Швейцария), Basf (Германия), FMC (США), Sumitomo Cemical Co Ltd (Япония), Юнайтед Фосфорус (Индия), ЗАО «Август» (Россия), Кеминова Агро (Дания) лицензиялари асосида 50 дан зиёд препаратлар и/ч ва экспорт қилиш йўлга қўйилди.

3.11. ҚЎНҒИРОТ СОДА заводи

Почта манзили

742003, Ўзбекистон республикаси, Қорақалпоғистон, Нукус шаҳри, Дослик гузари 96

Корхона раҳбари

Рамбергенов Аббат Кенгезбаевич

Телефон, факс

+998 (361) 2229479, 3122920, 3122841

Электрон манзил, E-mail

ksz2005@mail.ru

Тармоқ

Кимё саноати

Ишчилар сони

1191 киши

МАРКЕТИНГГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари асосий турлари

Калцийлаштирилган сода, техник тузи

Ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё

Техник мақсадлар учун кўл тузи, оҳактош

Асосий маҳаллий истеъмолчилар

Ойна ва кимё саноати корхоналари, қурилиш корхоналари (Асака, Қува, Тошкент, Ангрэн)

Маҳсулотни асосий импорт қилувчилар Қирғизистон

КОРХОНА ТАРИХИ:

Ўрта Осиёда кальцинирланган сода ишлаб чиқарувчи ягона корхона бўлиб, 2006 й. августида ишга туширилган. Корхонанинг умумий қиймати \$100 млн. бўлиб, Хитойнинг Citic Pacific Ltd. Томонидан \$32,3 млн. технологик жихозлар ўрнатилган.

И/ч қуввати йилига 100 минг тонна, Респ. эҳтиёжлари 56,6 минг тонна.

Асосий мижозлари: «Кварц» АЖ, «Фармгласс» АЖ, «Узқурилишматериаллари» ДАЖ корхоналари, «Узбекнефтегаз» ДАК, «Узкимёсаноат» ДАК ва «Узбекэнерго» ДАК.

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАЖ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТИЗИМИ

Ўзб. Респ. РТБ рўйхатдан ўтган «Ҳамкор-сервис» тармоқ савдо майдончаси орқали «Махат-Chirchiq» ОАЖ (Чирчиқ), «Аммофос» ОАЖ (Олмалиқ), «Фаргонаазот» ОАЖ (Фаргона), «Кўқон суперфосфат заводи» ОАЖ (Кўқон), «Жиззах-пластмасса» ОАЖ (Жиззах), «Навоийазот» ОАЖ (Навоий) ва Қўнғирот сода заводи маҳсулотлари чет эл ва Республикамиз компаниялари учун «электрон бозор»ида сотилади.

«ҲАМКОР-СЕРВИС» ҳақида қисқа маълумот

Почта манзили 702108 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, Навоий кўчаси 38

Корхона раҳбари Тиллаев Ботир Каримович

Телефон, факс Тел: +998 (71) 244-90-83 Факс: +998 (71) 244-90-81

Тармоқ Кимё маҳсулотлари савдоси

Юридик мақоми Унитар корхона


Реквизитлари х/р: 2021000004428937001 : АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтохур филиали;
МФО: 00425 ИНН: 205770094; ОКПО: 20346999; ОКОНХ: 80400

Сотиладиган маҳсулотлар, уларнинг он-лайн нархлари бўйича батафсил маълумотларни Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси веб-сайти www.uzex.com дан олиш мумкин.

Изоҳ:

Азотли ўғитлар и/ч сегментида "Навоийазот" ОАЖ 57% , Навоий "Электрокимё-саноат" - 30% , "Фарғонаазот" - 13% ўз ҳиссаларига эга.

Фосфорли ўғитлар и/ч сегментида "Аммофос" ОАЖ 85% , Кўқон суперфосфат заводи 10% ва «Самаркандкимё» ОАЖ - 5%. ҳажмида ўз ҳиссаларига эга.



Вход для пользователей

Логин:

Пароль:

Безопасное соединение

[Забыли пароль?](#)

[Зарегистрироваться](#)




Курс валют

₽ (RUR) 52.42 сум

- [Промышленные товары \(125\)](#)
- [Потребительские товары \(93\)](#)
- [Продукты и материалы \(149\)](#)
- [Услуги и сервис \(19\)](#)

[Подробный каталог](#)

Химические продукты

| Все <input type="checkbox"/> | Номер лота | Фотография товара | Наименование товара | Выставлено на торги | Цена продавца, за ед. товара | Текущая котировка (Предложение покупателя), за единицу товара |
|------------------------------|------------|---|---|---------------------|------------------------------|---|
| <input type="checkbox"/> | 162127 |  | Нория лента марки НЦГ-175 (450-8) | 200 пм | 175 000,00 UZS | 0,00 UZS |
| <input type="checkbox"/> | 162082 |  | «Гуммакс – двойная сила» удобрение гуминовое жидкое | 900 шт. | 576 000,00 UZS | 576 000,00 UZS |
| <input type="checkbox"/> | 162043 |  | Плётка полиэтиленовая термоусадочная ГОСТ 10354-82, ширина 60, 70 см, толщина 6-7-8-10 микрон | 9717 кг | 5 400,00 UZS | 0,00 UZS |
| <input type="checkbox"/> | 162039 |  | Плётка полиэтиленовая термоусадочная ГОСТ 10354-82, ширина 60, 70 см, толщина 6-7-8-10 микрон | 28000 кг | 5 400,00 UZS | 0,00 UZS |

3 - расм. www.uzex.com - Ўзбекистон кимё саноати «электрон» бозори.

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАК - «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» ташкилотлари

| МАНЗИЛ | БОШҚАРУВ РАИСИ | КОД | ТЕЛЕФОН |
|--|--------------------------------|------------------|----------------|
| Қорақалпоқ «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядолик жамияти | | | |
| 742015 Нукус, Дустназаров кўчаси, 12 | Наврузбаев Пулат Абатбаевич | 361-223 90-71 | |
| Андижон вилояти | | | |
| 710017 . Андижон, Мухитдинов кўчаси, 7 | Исомиддинов Кобилжон Хашимович | 374-2 | 24-33-80 |
| Бухоро вилояти | | | |
| 705006 Бухоро, Низомий кўчаси, 43 | Ганиев Немат Сабинович | 365-2 | 3-28-13 |
| Жиззах вилояти | | | |
| 706000 Жиззах, Водник | Абдусатторов Комил Атабекович | 372-2 | 3-36-25 |
| Қашқадарё вилояти | | | |
| 730017 Карши, Джайхун | Хаитов Жалол Закирович | 375-2 | 1-10-63 |
| Навоий вилояти | | | |
| 706810 Навоий, Навоий кўчаси, 49 а | Хакимов Муродилла Хакимович | 436-22 | 3-21-81 |
| Наманган вилояти | | | |
| 716003 Наманган, Поляковская, 20 | Тожибоев Алижон Якубович | 369-2 | 24-54-62 |
| Самарқанд вилояти | | | |
| 703000 Самарқанд, С. Айний, 2 | Кулиев Саъдулло Файзуллаевич | 366-2 | 35-79-18 |
| Сирдарё вилояти | | | |
| 707000 г. Гулистон | Раимбердиев Холйигит | 367-22 | 5-47-31 |
| Сурхондарё вилояти | | | |
| 731004 Термез, А. Хидоят, 4 | Мукимов Бахриддин | 376-22 | 2-41-17 |
| Тошкент вилояти | | | |
| 702029 г. Тошкент, Тепличная кўчаси | Ибрагимов Улуғбек Махаматович | | 90-40-91 |
| Фарғона вилояти | | | |
| 712000, Фарғона, Тиллахуджаев, 36 | Мамадалиев Ғайрат Турғунович | 373-22 | 3-53-82 |
| Хоразм вилояти | | | |
| 740000 Ургенч, Хонка кўчаси, 148 | Курбанов Ибодулла | 362-22 | 5-52-93 |

4. Ўзбекистон кимё саноати минерал хом ашё ресурслари

Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқариш самарадорлиги биринчи навбатда зарурий хом ашё базасининг ҳолати, захираси ва саноат инфратузилмаларига яқин жойлашиши билан белгиланади.

Ўзбекистон уз ер ости бойликлари билан машхур бўлиб, унинг бағрида Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган.

Хозирга қадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали қазилма қонлари ва бойликларидан намоён бўлган истикболли жойлар аниқланган. Бу қонларда 100 га яқин турли – туман минерал хом-ашёлар. Бугунги кунда, уларнинг 60 дан ортиги ишлаб чиқаришга жалб этилган, 900 дан ортиқ қонлар қидириб топилган бўлиб, умумий захира қиймати \$970 млрд. АКШ долларига тенг.

Ўзбекистоннинг умумий минерал хом-ашё потенциали **\$3,3 триллион** АКШ доллари билан баҳоланмоқда. Нефт ва газ конденсати, табиий газ бўйича 155 та истикболли қон, қимматбаҳо металллар бўйича 40 дан ортиқ, рангли, нодир ва радиоактив металллар бўйича 40, қончилик қимё хом-ашёси бўйича 15 та қон қидириб топилган ва ишлаб чиқаришга жалб этилмоқда [10,17-20] .

Ҳар йили республика қонларидан тахминан **5,5** млрд. долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва улар ёнига 6,0-7,0 миллиард долларлик янги захиралар қушилмоқда. Бир қатор фойдали қазилмалар, қунончи Au, U, Cu, табиий газ, W, калий тузлари, фос-форитлар, каолинлар тасдиқлаган захиралар жихатидан ўзбекистон Республикаси бутун дунёда етакчи уринлардан бирини эгаллаб турибди.

Аи-захиралари буйича республика дунёда 4-уринда, казиб олиш буйича 7-уринда, Си захиралари буйича 10-11 уринда, уран захираси буйича 7-8 уринда туради. Кидириб топилган захиралар асосида 400 якин кон, шахта, карьер, нефть-газ конлари ишлаб турибди [* Х.Ш]ерматов маърузасидан] .

Узбекистон ноёб ёкилги-энергетика ресурсларига эга. Газ захиралари -2 триллион м³ га, кумир 2 миллиард тонна, 160 та нефть кони мавжуд. Нефть ва газ мавжуд булган бешта асосий минтакани ажратиш курсатиш мумкин: Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий-Гарбий Хисор, Сур-хандарё, Фар-гона. Нефть ва газ захиралари 1 триллион АКШ долларидан ортиқроқдир.

Кидириб топилган захиралар республика эҳтиёжини табиий газ буйича-35 йилдан кўпроқ, нефть буйича 30 йилдан кўпроқ қоплайди. Энг йирик газ конлари Жанубий-Гарбий Хисор ва Бухоро-Хива нефть ва газли минтакаларида жойлашган булиб, булар Шуртон ва Муборак гу-рухларига қирувчи конлардир.

Кумир Ангрен ва Бойсун конларидан казиб олинмоқда. Дунёда энг йирик олтин рудали вилоят булган Кизилкумда Мурунтоvdан ташқари Ажибугут ва бошқа янги конлар ва уларнинг саноат захиралари ҳажми аниқланмоқда.

Республикадаги Ag конлари Навоий вилоятидаги Высоковольтное, ва Наманган вилоятидаги Октепа конидир.

Ватанимиз ҳудудида саноат ишлаб чиқариши учун тасдиқланган аниқланган уран захиралари 50-60 йил мобайнида казиб олишга етади. Уран билан йул-йулакай рений, скандий, лантаноидлар ва бошқалар ҳам казиб олинмоқда.

Узбекистон рангли металллар-Cu, Pb, Zn, W ва шу гуруҳга кирувчи бошқа металлларнинг захираларига эга. Cu рудалари билан бирга рангли металлларнинг 15 дан ортиқ тури: Au, Ag, Mg, Cd, In, Te, Se, Re, Co, Ni, Os ва бошқа металллар Олмалик тоғ-кончилик комбинатида ишлаб чиқарилмоқда.

Ишлаб турган конлар Cu ва унга йулдош металлларни 40-50 йил, Zn ва Pb ни 100 йилдан купрок вақт казиб олишни таъминлайди. Рангли металллар рудаларининг захиралари асосан Олмалик руда майдонида жамланган.

Калмаккир кони ноёб конлардан булиб, у ерда Cu-Mo казиб чиқарилади. Pb-Zn асосан Жиззах вилоятининг Учкулоқ ва Сурхондарё вилоятининг Хондиза конларида жамланган. Республика геология ва минерал ресурслар Вазирлиги маълумотларига қараганда, Хондиза конида Pb ва Zn билан бирга Cu, Ag, Cd, Se, Au ва Zn металлари ҳам етарли даражада.

Селен ва теллурдан асосан ярим утказгичлар, куёш батареялари, термогенераторлар, пулат, шишанинг махсус навларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Узбекистон Re нинг ноёб захираларига эга. У Олмалик конларидаги Cu рудалари билан боглик. Саноатда Re- ренийдан авиация ва космик техника учун утга чидамли котишмалар, электрон ускуналар, нефтни парчалош учун катализаторлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ўзбекистон минерал хом ашё ресурслари:

- Фойдали қазилма конлар > 2700 та;
- Минерал хом ашё турлари > 100 дан;
- Рангли ва нодир металллар > 40 та;
- Газ + газконденсати > 2 трл.кубометр;
- Кўмир + тошкўмир > 2 млрд. тонна;
- Нефть - газ конлари > 160 та;
- 2005-2009 йй. йилига \$5 -5,6 млрд.
- қийматида хом ашё ишлатилмоқда!!

4 - расм. Ўзбекистон кимё саноати минерал хом ашё захиралари.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖАЛЪ ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР :

1. Арзон ва сифатли хом ашё захиралари бўлиши;
(> 2700 та конлар \$3,3 трл. хом АШЁ захирага эга);
2. Юқори **малакали ва арзон** иш кучи борлиги;
3. Солиққа тортиш ва божхона имтиёзлари;
4. Инвестицияларга **100%** давлат кафолати;
5. Корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиши;
6. **Ривожланган инфраструктура ва логистика;**
7. **Малакали банк, суғурта ва алоқа хизматлари;**
8. Кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишда халқаро ҳамкорлик тизими: *РФ, Италия, Буюк Британия, Малайзия* етакчи университетлари филиаллари очилиши ва самарали фаолияти..

5 - расм. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини келтирувчи омиллар.

5. ЗАМОНАВИЙ КИМЁ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1991 йилда собиқ СССР ҳудудида МДХ вужудга келиши амалда бўлган халқ хўжалигини бошқаришнинг яхлит тизими парчаланишига ва ишлаб чиқариш хусусиятларига кўра ўзаро боғлиқ бўлган корхоналар орасидаги техник, технологик ва хом ашё таъминоти бўйича алоқалар узилишига олиб келди. Қисқа вақт ичида (1991-1993 йй.) кўпгина саноат корхоналари, шу жумладан, Ўзбекистон кимё корхоналари ўз и/ч фаолиятини камайтириш ва баъзи ҳолларда тўхтатишга мажбур бўлишди.

Бу даврга келиб, корхоналар асбоб-ускуналари маънавий ва жисмонан **65-80% эскирганлиги**, ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиб бориши, хом ашё ва эҳтиёт қисмларнинг валютага сотиб олиш зарурати соҳа миқёсида иқтисодий танглик ҳолатига олиб келди.[2,11,17,29].

Ушбу вазиятдан чиқиш ва халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлган кимё саноатини ривожлантириш мақсадида Республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан бир қатор чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва меъёрий ҳужжатларда [2,3] ҳамда корхоналар фаолиятини давлат томонидан қўллаб - қувватлашда ўз аксини топди.

Кимё корхоналарининг технологик қолақлиги ва маҳсулотлар сифати жаҳон бозори талабларига жавоб бермаслиги ҳукумат томонидан соҳа фаолиятини ва бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича бир қатор қарорлар [3-9] чиқариш ва ижросини қатъий назоратга олишга олиб келди.

Қимё саноатини тубдан ислохот қилишда чет эл технологиялари, маблағлари ва жаҳон етакчи банкларининг мақсадли кредитларидан фойдаланиш тез орада ижобий ўзгаришлар ва сифатли маҳсулот ҳажми ошишига, уларнинг бир қисмини экспортга чиқаришга имкон берди.

Шу сабабли, 2003 – 2010 йй. бир қатор чет эл компаниялари нефть – газ конларини ва минерал ресурслар захираларини ахтариш, қўшма корхоналар очиш (5–расм, 6-расм), технологик қайта жиҳозлаш ва бир қатор йирик конларни ишга тушириш ҳақида шартномалар имзоладилар | 17 -19, 30 | .

Йирик ҳажмда инвестиция киритиш режалаштирилган объектлар – кимё корхоналари бўйича расмий маълумотлардан парчалар (мисоллар) келтирамиз:

- 1. «Фаргонаазот» ОАЖ** 2003 й. мартда MBNS Int. (Чехия) қайта таъмирлашидан кейин 360 минг т. азот кислотаси ва 425 минг т. аммиакли селитра И/Ч қувватига эга бўлди.
- 2. Чирчик «Электрокимёсаноат» ОАЖ 49% акцияларини (\$22 млн. + \$53 млн. ИМ) ва Олмалик «Аммофос» ОАЖ 49% акцияларини (\$18млн. + \$30 млн. ИМ) 2007-2008 йй. МАХАМ Corp. S.A.U. (Испания) сотиб олди ва корхона И/Ч қувватини оширмоқда.**
- 3. «Кўқон суперфосфат заводи» 85,2% давлат пакетини 2008 й. «Монолит» (Москва шаҳри, РФ) \$3,8 млн долларга сотиб олиб, қайта таъмирламоқда.**
- 4. УСТЮРТ ГАЗОКИМЁС комплекси (қиймати \$1,85 млрд.) Сингапурнинг СМАІ ва UzKorGasChemical қўшма корхонаси 4 млрд. км2 табиий газни қайта ишлаб, 362 минг тн. полиэтилен, 83 минг тн. полипропилен ва 3,7 млрд. куб. табиий газ олинади.**
- 5. СУРГИЛЬ газ кони 120 млрд.кубометр захирага эга, таркибида 4,8% этан ва бошқа қимматли хом ашё бор, экспортга мўлжалланмоқда.**
- 6. 2009 й. «Навоиазот», «Максам-Чирчик» и «Фаргонаазот» корхоналарида чиқинди NO дан янги маҳсулотлар олишда Mitsubishi Corp. технологиясини жорий қилинди.**

6. Инвестиция киритишнинг самарадорлик кўрсаткичлари

1-жадвал

| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИМЁ САНОАТИНИНГ 2008 / 2009 йй. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ | | |
|---|-----------------------------------|---------------------------------|
| Кўп тоннажли кимё маҳсулотлари | 2009 йил и/ч маҳсулот ҳажми | 2008 йилга нисбатан %- да |
| Аммиак (синтез қилинган) , минг тн. | 1265,3 | 98,8 |
| Минерал ўғитлар жами, минг тн. | 1073,2 | 100,8 |
| Карбамид, минг тн. | 512,8 | 111,3 |
| Ўсимликларни химоя қилиш воситалари, минг тн. | 4120,0 | 2,4р |
| Сульфат кислота, минг тн. | 954,6 | 103,2 |
| Сунъий тола ва кимёвий иплар, тн. | 13595,0 | 107,5 |
| Кальцинирланган сода, минг тн. | 76,8 | 108,2 |

ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ - СЎНГГИ ХАБАРЛАР :

1. УСТЮРТ газ-кимё комплексиди (\$1,85 млрд) Сингапур **СМАІ** ва **UzKorGasChemical** қўшма корхонасида 4 млрд. куб.м. табий газни қайта ишлаб, 362 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 3,7 млрд. куб.м. ёқилғи газ олиш режалаштирилган;
2. ШЎРТАН газ - кимё комплекси қўшма корхоналарида **150 тур** полиэтилен маҳсулотлари ва буюмлар и/ч режалаштирилган;
3. СУРГИЛ газ кони **120 млрд.** кубометр захирага эга бўлиб, тарки-бида 4,8% этан ва бошқа қимматли хом ашёлар бор, Хитой ХР билан ҳамкорликда турли маҳсулотлар и/ч мўлжалланмоқда;
4. «Навоийазот», «Максам-Чирчик», «Фаргонаазот» да **Mitsubishi Corp.** технологияси асосида **чиқинди NO дан** янги маҳсулотлар (суюл азот кислотаси, азотли ўғит..) олиш йилига **1,1 млн. т. CO2** атроф – муҳитга чиқаришдан сақлаб қолади.
5. **IPIC (ОАЭ) Навоий вилоятида йилга** 900 минг. тн. аммиак ва 1 млн. тонн карбамид и/ч мажмуаси (\$1,34 млрд) 2010 – 2014 йй.

**** 2009 -2014 йй. кимё саноатига \$2,062 млрд киритилади !**

6 - расм. Ўзбекистонга чет эл инвестицияларини келтирувчи омиллар

6. Кимё фани ва саноати ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фанлар Академиясининг мақоми тўғрисидаги Фармони, ФА фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Президент И.А. Каримовнинг олимлар билан учрашувлари ва ФА институтларига қилган ташрифлари давомида берилган тавсиялари олимларимиз илмий фаолиятига илғор инновацион технологияларни амалий жорий этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни хорижий мамлакатлар грантларига доирасида олиб боришни долзарб масалалар қаторига олиб чиқди [2-9,18-20,30].

Республикада кимё фанининг янада ривожланишида И.Каримовнинг 1992 йил июлида қатор кимё институтларида бўлиши ҳамда ***ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 июлида қабул қилинган 337-сонли «Фан ва инновацион фаолиятни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисидаги»*** қарори мўҳим роль ўйнади. Ушбу Қарорда ФА институтлари инновацион ва хўжалик шартномалари бўйича фаолиятини Ватанимиз ижтимоий - иқтисодий муаммолари ечимларига йўналтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва хорижий марказларда улар малакасини ошириш вазибалари қўйилди.

ЎзБР ФА таркибидаги кимё институтлари фаолияти 6.2 – 6.4 бўлимларда берилган.

6.1. «УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ» институти

ЎзР ФА «Умумий ва ноорганик кимё» институти йирик илмий муассасалардан бири бўлиб, 1933 йил июлида Ўрта Осиё давлат университети кимё факультети базаси асосида ташкил этилган. Ўзбекистонда назарий ва амалий кимё фанларининг ривожланиши институт лабораториялари асосида турли йилларда ташкил этилган: *Ўсимлик моддалари кимёси, Биоорганик кимё, Полимерлар кимёси ва физикаси, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтлари* фаолияти билан узвий боғлиқ.

Институтда нефть кимёси, силикат материаллари кимёси, рангли ва нодир металллар кимёси, коллоид кимёси, физик кимё, координацион кимё, ўғит ва дефолиантлар кимёси, кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари соҳалари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилади [22].

Институт юқори илмий салоҳиятга эга бўлиб, 3 та ФА академиклари, 16 та фан доктори ва 29 тан фан номзодлари томонидан фундаментал тадқиқотлар дастурига оид 4 лойиҳа, ёш олимлар учун 1 лойиҳа, амалий тадқиқотлар дастурлари бўйича 12 та лойиҳа, 2 та инновацион лойиҳа ва 57 та хўжалик шартномалари бажарилмоқда ва натижалар амалиётга жорий этилмоқда.

Масалан, «Самарқандкимё» корхонасида **«Марказий Қизилқум фосфоритларидан мураккаб нитрокальцийфосфат ўғитини олиш технологияси»** қабул қилинди. Юқори карбонатли Қизилқум фосфоритларидан оддий суперфосфат олишнинг жадаллаштирилган технологияси Навоий «Электрокимё заводи» ҚК-ЁАЖ га жорий этилди. «Фарғонаазот» ОАЖ да

институт мутахассислари томонидан таклиф этилган «Супер-ХМД-ж» дефолианти ишлаб чиқарилмоқда.

Институт олимлари Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, АҚШ, Россия, Япония ва Жанубий Кореянинг етакчи илмий марказлари билан турли грапнтлар доирасида ҳамкорлик қилади. Кейинги йилларда институт олимлари томонидан кимё саноатнинг турли тармоқларида қўллашга мўлжалланган 20 дан зиёд илмий ҳажмдор технологиялар яратилган.

Институт олимлари 1992-2009 йй. даврида 22 та монография, 14 та илмий асарлар тўплами, 1050 дан зиёд илмий мақолалар, 7 та дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр қилишди, 150 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари олишди, 20 та кимё фанлари доктори ва 75 та фан номзодлари тайёрланди.

Институт манзили: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77^А;

телефонлар: (99871) 262-56-60, 262-79-90; *факс:* (99871) 262-79-90;

E-mail: igic@uzsci.net. *Институт директори:* ЎзР ФА академиги Салимов З.С.

6.2. Ўзб. Респ. ФА ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ ИНСТИТУТИ

С. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти 1956 йилда ташкил этилган. Ҳозирги кунда институт таркибида 12 та лаборатория, органик синтез, фармакология ва токсикология бўлимлари, тажриба ишлаб чиқариш корхонаси, компьютер маркази, кичик босмахона, илмий-ташкилий сертификация ва стандартлаш бўлимлари мавжуд. Институт қошида “ЎзКУР” қўшма корхонаси, “Тоза кимё” хўжалик ҳисобидаги марказ, “Ал Ҳаким” ва “Зейнул” МЧЖ, дорихона, виварий фаолият кўрсатмоқда.

Институтнинг асосий илмий – тадқиқот йўналишлари:

- Ўсимлик биорегуляторларини кимёвий ва биологик жиҳатдан ўрганиш ва тиббиёт саноати учун доривор препаратлар яратиш,

- Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун табиий ва синтетик янги, юқори самарали кимёвий моддалар излаш ва улар асосида дори-дармон яратиш.

ЎМКИ олимлари ишланмалари хорижий мамлакатларда ҳам машҳур илмий марказлардан биридир. Илмий тадқиқотлар натижасида 1200 дан ортиқ алкалоид, 350 дан ортиқ гликозид, 500 га яқин кумарин, флаваноид, мураккаб эфирлар, лактонлар, проантоцианидинлар, 50 дан ортиқ липидлар, 30 дан ортиқ полисахаридлар ажратиб олинди, 550 та янги алкалоид, 250 та гликозид, 400 дан ортиқ янги кумарин, флаваноид, терпеноид, мураккаб эфирлар, лактон, проантоцианидинларнинг кимёвий тузилиши аниқланди.

Ҳозирги кунда институтда 316 нафар ходим меҳнат қилмоқда, улардан 117 нафари илмий ходимлардир. Илмий лаборатория ва бўлимларда 20 нафар фан доктори ва 57 нафар фан номзодлари фаолият кўрсатмоқдалар [16,26-29]..

Институт ташкил этилгандан буён 5 мингдан ортиқ ўсимлик ўрганилди, 4500 дан ортиқ илмий ишлар эълон қилинди, 300 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномалари ва патентлар олинди. Институт табиий ва синтетик моддалар асосида биологик тадқиқотларда қўлланиладиган биореагентларни яратиш соҳасида иш олиб бормоқда. Яратилган биореагентлар Франциянинг “Латоксан” фирмаси орқали сотилмоқда. «**Жистен**» концентрати Франциянинг “Кристиан Диор” фирмасида крем ишлаб чиқаришда асосий компонент сифатида фойдаланилмоқда. Институт АҚШ, Туркия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Мўғулистон, Исроил, Покистон, Россия Федерацияси, Украина, Қирғизистон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардаги илмий марказлар ва фирмалар билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Институт олимларидан 12 нафари фан ва амалиёт соҳасида эришган ютуқлари учун Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлишган.

Институт 1965 йилдан бери чоп этиладиган халқаро “Табиий бирикмалар кимёси” илмий журналининг асосий ташкилотчиси ҳисобланади ва табиий бирикмалар соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиради. Ушбу илмий журнал АҚШда «**Пленум корпорейшн**» компанияси томонидан инглиз тилига таржима қилиниб, жаҳондаги шу соҳа мутахассисларига тарқатилади.



7 - расм. ЎМКИ тиббиёт соҳаси бўйича ишланмалари

За разработку и внедрение в медицинскую практику лекарственных препаратов (1968 г.)

- ◆ акад. С.Ю.Юнусов
- ◆ гл. корр. АН РУз Н.К. Абубакиров
- ◆ д.х.н. Х.А. Абдуазимов
- ◆ д.м.н. М.Б.Султанов
- ◆ к.б.н. Е.Е.Короткова
- ◆ к.х.н. В.А.Масленникова
- ◆ д.т.н. Т.Т. Шакиров
- ◆ д.х.н. П.Х. Юлдашев



8 - расм. ЎМКИ олимлари – Давлат мукофотлари лауреатлари



9 - расм. ЎМКИ олимлари патентлар ва муаллифлик гувоҳномалари



10 - расм. ЎМКИ олимлари халқаро сертификатлар сохиби

**ЎМКИ олимларининг кимё корхоналари ва қишлоқ хўжалик
мутахассислари билан ҳамкорлик натижалари**

ИНСЕКТОКАРАЦИДЫ

**Бензофосфат 30% к.э.
Циперметрин 25% к.э.
Суми-альфа 5% к.э.
Узмайт 30% с.п.
Кинмикс 5% к.э.
Фуфанон 57% к.э.
Флумайт 20% к.э.
Неорон 50% к.э.
Данитол 10% к.э.**

**Бензофосфат 30% с.п.
Циперфос 55% к.э.
Карбофос 50% к.э.
Узмайт 57% к.э.
Циракс 25% к.э.
Данадим 40% к.э.
Талстар 10% к.э.
Даргит 57% к.э.
Узфен 20% к.э.**

ГЕРБИЦИДЫ

**Стомп 33 % к.э.
Которон 80% с.п.
Нитран 30% к.э.
Цефат 25% к.с.
Базагран 48% в.р.
Дахлор 50% к.э.
Банвел 240 г/л в.р.
Номини 400 г/л к.с.
Дафосат 36% в.р.**

ПРОТРАВИТЕЛИ

**Бугдойдор 2% к.с.
Узбункер ВСК, 60 г/л
Бронопол 12% п.
Витарос ВСК
Аваланче 70% к.с.**

ВЕТПРЕПАРАТЫ

**Циперметрин 25% к.э.
Циперфос 55% к.э.**

РОДЕНТИЦИДЫ

Зоокумарин-паста

6.4. БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Ўзб. Респ. ФА нинг О. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти **1977** йилда ташкил этилган бўлиб, Марказий Осиёда биоорганик кимё соҳасида тадқиқотлар олиб боровчи ягона илмий марказдир. Институтнинг 10 та лабораториясида 75 нафар илмий ходим, 3-та ЎзР ФА академиги, 19 фан доктори ва 35-та фан номзодлари илмий изланишлар олиб бормоқда.

Институтнинг асосий илмий-тадқиқот йўналишлари турли соҳаларни қамраб олган. Айниқса, қорақурт, чаён ва кобраларнинг захарини нейтраллаш учун шу захарларнинг токсик компонентлари асосида конъюгатлар синтез қилиш асосида, юқори самарали зардоблар ва фармацевтик препаратлар яратиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Институт олимлари томонидан ҳайвон организмидан муҳим гормон ва ферментлар – *кальцетопин, паратгормон, самостостатин, тимус пептидларини* ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган.

Ўзапояни илк бор атрофлича кимёвий жихатдан ўрганиш натижасида ундан 100 дан ортиқ индивидуал бирикмалар ажратиб олинган. Госсипол ва унинг ҳосилаларининг кимёвий ва физик хусусиятлари атрофлича ўрганилган. Бирикмаларнинг қуйи молекуляр органик моддалар билан ҳосил қилган 80 дан ортиқ клатратларидан 30 тасининг тузилиши рентгеноструктура тадқиқот усули ёрдамида аниқланган. Изланишлар натижасида госсипол асосида олинган доривор препаратларнинг вирусларга, хламидийга қарши иммун системасини кучайтиришнинг механизмлари очиқ берилган.

Марказий Осиё ўсимликларидан 40 дан ортиқ антоциан гликозидлар ажратиб олинди, уларнинг тузилиши ва хоссалари ўрганилган. Гулхайри ўсимлигидан ажратиб олинган бирикмаларнинг тузилиши ва хоссаларини ўрганиш натижасида озиқ-овқат саноати учун тавсия этилган табиий бўёқлар, янги спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун асоси яратилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ўсимликларига зарар келтирувчи ҳашаротлар феромонларини ўрганиш натижасида бир неча ҳашарот турларининг жинсий феромонлари идентификация қилинган. Феромон компонентларининг тузилиши, нисбати, турли антиоксидантлар, синергист ва ингибиторлар аралашмаларининг аттрактивликка таъсири тадқиқ этилган. Изланишлар натижасида *Agrotis segetum*, *Spodoptera exigua*, *Lygus lineolaris*, *Pektinophora gossypiella*, *Sitotrogacerealela*, *plodia interpunctella*, *Cryptolestes pussilus*, *Musca domestica*, *Ephestia elutella*, *Sitophylus granieris*, *Sitophylus oryzae*, *Plutella xylostella* каби ҳашаротларнинг феромонлари синтез қилинган.

Институт олимлари томонидан 15 та монография ва 3300 дан ортиқ илмий мақолалар чоп этилган, 100 дан ортиқ патент олинган.

Институт Америка, Германия, Англия, Швейцария ва Россиядаги етакчи илмий муассасалар билан илмий ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкам боғлаган. Институт олимлари томонидан **INTAS, SPDF, SCOPES, USD ARS, STCU** ва бошқа дастурлар бўйича Халқаро грантлар бажарилмоқда.

Институт олимлари томонидан 30 дан ортиқ доривор препаратлари олинди ва фармацевтик ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда:

**ИНСТИТУТ ОЛИМЛАРИНИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИ БЎЙИЧА
АМАЛИЙ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ИШЛАНМАЛАРИ:**

- “МЕГОСИН” малҳами – антигерпетик восита;
“ГОССИПОЛ” линименти – вирусга қариш восита;
“БАТРИДЕН” таблеткаси - иммуносупрессор;
“ГОЗАЛИДОН” – хламидийга қарши восита;
“ЛАГОДЕН” – қонни тўхтатувчи восита;
“РУТАН” – интерферон индуктори;
“ПРОВИДИН” - антигипоксант;
“ТИМОПТИН” – иммун системани кучайтирувчи восита;
“ПОЛИЖЕЛЬ” – УЗИ диагностика учун контакт-гель;
«КАЦЕЛОН» - сўрилиб кетадиган жарроҳлик ипи;
«БИОЛОН» - сўрилиб кетмайдиган жарроҳлик ипи ва ҳ.қ.



«КАЦЕЛОН»



«ПОЛИЖЕЛЬ»



«БИОЛОН»

Манзил: ЎЗБЕКИСТОН Респ.: Тошкент шаҳри, МИРЗО УЛУГБЕК , 83 уй;

371+ 2623540; 2627063; 2627062 **Факс:** 2627063 ; **e-mail:** ibchem@uzsci.net

6.5. ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

Полимерлар кимёси ва физикаси институти синтетик ва табиий полимерлар соҳаси бўйича Ўзбекистонда етакчи илмий муассаса бўлиб, республикада полимерлар соҳаси бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш ва ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Институтда 80 илмий ходимлар: 1-та ЎЗР ФА академиги, 9 нафар фан доктори ва 28 нафар фан номзодлари илмий тадқиқотларни юқори замонавий даражада амалга оширишга имкон бера оладиган нодир илмий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 8-та лабораторияларда илмий-тадқиқотлар ўтказадилар.

Институтда Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ қошидаги полимерлар физикаси кафедрасида “Полимерлар физикаси”, Умумий кимё кафедрасида “Умумий ва нефткимё” илмий-ўқув марказлари фаолият кўрсатади.

Институт илмий фаолиятининг бош йўналиши талаб хусусиятларига эга бўлган полимерлар ва композицион полимер материаллар янги авлодларини синтез қилишнинг назарий асосларини яратиш, уларни қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш технологиясини ташкил этиш бўйича асосий натижалари [22]:

- қишлоқ хўжалиги ва тиббиёт учун биологик фаол полимерлар;
- ўсишни бошқарувчи, бактерицидли, фунгицидли, иммуномодулирли физик-кимёвий ва биологик хоссаларга эга бўлган полимерлар янги авлодини синтез қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Институтда юқори молекуляр бирикмалар кимёси, полимерлар физикаси, ёғочни қайта ишлаш технологияси, ёғоч кимёси мутахассислиги бўйича фан

номзоди ва фан доктори диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш, аспирантура, докторантура фаолият кўрсатмоқда.

ЎзР ФА ПКФИ 1993 йилдан кимё, физика ва полимерлар технологияси соҳасида бир қатор республика етакчи олимларини бирлаштирувчи ЎзР ФА юқори молекуляр бирикмалар бўйича илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Институт Мустақиллик даврида чет эл илмий марказлари билан алоқани, саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида технология трансфертини мустаҳкамлашда, ўзининг илмий потенциалини ривожлантиришда бир қатор чет эл университетлари: Калифорния университети (АҚШ), Мелон Карнеги университети (АҚШ), Бостон университети (АҚШ), Миннесота университети (АҚШ), Хьюстон университети (АҚШ), Украина ФА юқори молекуляр бирикмалар институти, Словакия ФА кимё институти, РФ Москва давлат университети, Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети ва бир қатор Россия Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бормоқда ва грантларда иштирок этмоқда.

2009 йилда институт олимлари 6 давлат устувор илмий - техник дастурлари, 3 лойиҳа фундаментал тадқиқот дастурлари доирасида, 6 лойиҳа ЎзР ФА лойиҳалари доирасида, 3 инновацион лойиҳалар ва 15 хўжалик шартномалари асосидаги тадқиқотларда иштирок этишди ва Республика халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бир қатор ишланмаларни амалиётга жорий этишди.

Илмий - амалий тадқиқотлар натижасида институт олимлари Республика фани ва халқ хўжалигига қуйидаги ишланмаларни:

- ўсимликларнинг кимёвий ҳимоя воситаларини сувда эрувчи кам зарарли полимер доривор шакли;

- биологик фаол компонентлар таъсир этиши бошланишини сезиларли даражада самарасини оширишга имкон берувчи ва барча турдаги апробациялардан ўтган пахта, шоли, қанд лавлаги, макка-жўхори ва буғдой уруғларини капсуллашни экологик хавфсиз технологияси,

- **“Ковилон”** – профилактик даволаш усули бўлиб чорва молларини гастроэнтероколит касаллигини даволашда қўлланилади,

- **“Кагоцел”** – хақиқий имтерферониндуцирли вирусга қарши усуллар,

- **“Нитроглицерин”** – спазмали, антиангинал (қон томирларни кенгайтиради ва фаолиятини яхшилашда ишлатилади,

- **“Лимонли пектин”** – сальмонеллез ва ошқозон-ичак касалликларига қарши, озиқ-овқат маҳсулотига қўшимча мода сифатида ишлатилади;

- **“Микроцел”** – микрокристаллик целлюлоза, дорилар учун тўлдирувчи ва вазнини камайтириш учун дори-дармон сифатида қўлланилади;

- **“Пахта целлюлозаси”** – қоғоз саноатида қоғознинг барча турларини олпш учун ишлатилади;

- **“ПА-6** асосидаги конструкцион полимер материаллар» - қишлоқ хўжалик машинасозлигида ва электротехника саноатида ишлатилади;

- **«УзХитАН»** препарати пахта уруғлик чигитини экишга тайёрлаш;

- **«Полидеф»** дефолианти пахта чиқиндиси – линтдан экологик хавфсиз органоминарал ўғитлар олишда қўлланилади ва ҳ.к. тақдим қилишди.

Изоҳ: Институт директори академик С.Ш.Рашидова фикрича, полимерлар кимёси ва физикаси фанлари истиқболли ривожланишии нанополимер материалларнинг янги авлодини яратиш, полимер тизимларида нано-структураларнинг шаклланиш механизmlарини тадқиқот этиш, синтез–структура – хоссалари орасидаги корреляцияларни ўрганишга қаратилади.

7. Ўзбекистонда кимё саноатининг ривожланиш истиқболлари

Кимё саноатининг ривожланиш истиқболлари Республика халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари, масалан, қишлоқ ривожланиш режаларига мослаштирилган (**7-10 расмлар**) бўлиб, қуйидаги ўз хусусиятларига эга:


- 1) кимё саноати маҳсулотларининг 54,65% азотли ва 18,2% фосфорли минерал ўғитлар ташкил этади;
- 2) полимер ва пластмасса буюмларга катта эҳтиёж бўлишига қарамаздан, уларни ишлаб чиқариш миқдори (1% дан камроқ) талабларга жавоб бермайди;
- 3) тоғ-кон металлургияси эҳтиёжлари ҳозиргача қисман чет эл компаниялари ҳисобидан қондирилмоқда, яъни, бу соҳани ҳам тезкор ривожлантириш зарур;
- 4) Фарғона кимёвий толалар заводи МДХ ҳудида ацетат целлюлозаси ишлаб чиқарадиган заводлардан бри бўлиб, унинг барча маҳсулотини экспорт қилиш имкониятлари мавжуд;
- 5) Кимё саноатининг 2005-2010 йй. жадал суръатларда ривожланиши ўз навбатида юқори малакали кадрларга бўлган талабларни кескин оширди ва замонавий кимё таълимини жаҳон стандартларига мос ташкил этишни, малакали бошқарув кадрлар захирасини тайёрлашни тақозо қилади.

2-жадвал

Республика кимё саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши (млн. сўм)


| Йиллар | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 |
|-----------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|------------------------|
| Маҳсулот млн.сўм | 311,2 | 520,1 | 626,3 | 743,1 | 861,5 | 1002 (режа) |

Фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича таклиф / талаб истиқболлари (минг тонна)



7 - расм. Фосфорли ўғитлар и/ч ва экспорт қилиш динамикаси

2004-2009 йй. карбамид ишлаб чиқариш ва хорижга экспорт қилиш динамикаси



8 - расм. Карбамид и/ч ва экспорт қилиш динамикаси




9 - расм. Фосфорли ўғитлар бўйича Таклиф/ Талаб истиқболлари



10 - расм. Азотли ўғитлар бўйича Таклиф/ Талаб истиқболлари


P.S. 7-10 расмлар материаллари «ўзкимёсаноат» ДАК раиси ўринбосари Х.Шерматовнинг 2009 йил 7-9 октябрда РФ Москва шаҳрида халқаро анжуманидаги маърузасидан олинган.

Республика кимё саноатида 2005 - 2010 йй. ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (млрд. сўм)



11 - расм. Республика кимё саноати 2009-2014 йй. истиқбол режаси

2009 - 2014 йй. азотли ўғитлар ишлаб чиқариш истиқбол режаси (минг тонна)



12 - расм. Республика кимё саноати 2009-2014 йй. истиқбол режаси

ЯКУНИЙ КИСМ – ХУЛОСАЛАР

Юқорида келтирилган тарихий – таҳлилий материаллар асосида қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Ўзбекистон кимё фани ва саноати ўз тарихига эга бўлиб, унинг ривожига олий таълим муассасалари етакчи олимлари, тадқиқотчилари ва кимё таълими педагогларининг ҳам ўз тарихий ўрни ва аҳамияти бор.

2. Ватанимиз ўқувчи ёшларини кимё соҳасига қизиқтириш ва касбий йўналтириш бугунги кун кимё таълимининг долзарб масалаларидан бири бўлиб, бу вазифани бажаришда машҳур кимёгар олимларимизнинг ҳаёт ва ижод йўлини ўрганиш ва тарғиб қилиш муҳим роль ўйнайди.

Мавжуд илмий-услубий адабиётлар ва Интернет ахборот ресурсларини ўрганиш XXI асрда кимё фанлари ва технологиялари қуйидаги йўналишлар:

1. Кимёвий жараёнларни компьютер технологиялари асосида бошқариш.
2. Кимёвий нанотехнологияларни ривожлантириш.
3. Технологик жараёнларни оптималлаштиришда фемтохимия - ўта тезкор жараёнларни тадқиқ этиши ютуқларини амалий қўллаш.
4. Супрамолекуляр кимё ва молекуляр жараёнларнинг тадқиқоти доирасида жадал суръатларда ривожланиши кутилмоқда.

Замонавий кимё саноатининг яна бир хусусияти – кимёвий технологияларнинг назарий асослари, асбоб - ускуна жиҳозлари ва жараёнларни бошқариш тамойиллари тубдан ўзгармоқда.

Истиқболда кимё саноатини ривожлантириш **фосфорит, целлюлоза, каустик ва кальций содаси, калийли ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоя воситалари, толуол, полимерлар** каби энг муҳим хом ашё турлари бўйича республиканинг мустақиллигига эришиш, чет мамлакатлардан олинаётган кимёвий маҳсулотларнинг асосий турларини республикада ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, саноат корхоналари чиқиндаларини қайта ишлаш, ишлаб чиқариш жараёнини компьютер тизимлари воситасида бошқариш, экологик муаммоларини ҳал этиш, кимё маҳсулотлари экспортини ошириш йўналишларида олиб бориш зарурати белгиланди ва ташкилий чора - тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

XXI асрда Ўзбекистонда замонавий кимё саноатини **тўлик шакллантириш** ва тезкор ривожлантириш қуйидаги йўналишларда:

1. *Нефтекимё саноатини ривожлантириш ва кўп тоннажли полиэтилен, полипропилен, бутадиен синтетик каучуклари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш:*

2. *Аммиак ишлаб чиқариш технологик жараёнининг бир қисмини органик синтез асосий хом ашёларидан бири - метанол ишлаб чиқаришга айлантириш;*

3. *Олтин ишлаб чиқариш корхоналари (Навоий ТМК, Олмалик ТМК) учун зарур бўлган бензой кислотаси, кротон альдегиди, сорбин кислота, цианамид ва бошқа кайтарувчиларни Республикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.*

4. *Маҳаллий ўсимлик мойлари етишмаслиги оқибатида тўхтаб қолган лак-бўёқ саноатини ривожлантириш учун ички ресурсларни ишга солиш;*

5. *Технологик ва илмий изланишлар учун зарур бўлган кичик ҳажмдаги органик ва анорганик моддалар синтезини жорий қилиш.*

6. *Кимёвий ва технологик жараёнларни бошқарувчи техник жихозларда автоматика ва компьютер технологиялари элементларини жорий қилиш.*

7. *Саноат корхоналари ва кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни лойихалаштириш жараёнида экологик муаммолар ечимини комплекс тизим кўринишида хал этиш ва аҳоли саломатлигини ҳимоялашни режалаштириш олиб борилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.*

Бу улкан вазифаларни бажариш ўз навбатида кимёвий тадқиқотларни саноат эҳтиёжларини ҳар томонлама тўлиқ қондирадиган томонига ўзгартиришимиз, лаборатория шароитидаги самарали ишланмалар-технологик янгиликларни кимё корхоналари ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиб боришимиз ва таълим муассасаларида юқори малакали кимёгар - технологлар тайёрлаш сифатини кескин оширишимизни тақозо қилади!

Мен, ўз малакавий битирув ишим якунида устозларим – органик ва физколлоид кимё кафедраси профессор – ўқитувчиларига чуқур миннатдорчилик билдираман.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И. Каримов «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир». // - 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси материаллари.
2. «Фан ва инновацион фаолиятни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида» Ўзб.Респ. ВМ 1992 йил 21 июлидаги 337-сонли қарори.
3. «Кимё саноати корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизматларини кўрсатишни яхшилаш тўғрисида» Ўзб. Респ. ВМ 2004 йил 23 январдаги 33-сонли қарори.
4. «О мерах по обеспечению своевременной реализации на предприятиях ГАК «Узкимёсаноат» проекта ПРООН «Механизм чистого развития Киотского протокола» Пост. Президента РУз № ПП-540 от 25.12.2006 г.
5. «О мерах по дальнейшему углублению процессов приватизации и активному привлечению иностранных инвестиций в 2007-2010 годах" Постановление Президента РУз № № ПП-672 от от 20.07. 2007 г.
6. «Кимё саноати корхоналарини техник ва технологик такомиллаштириш 2007-2010 йй. дастури» Ўзб. Респ. Президенти ПП 667-қарори (27.07.2007 й.).
7. «О доп. мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий в производство». Пост. Президента РУ И. Каримова от 15.07.2008 г.
8. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № 212 от 9 сентября 2008 года «О Программе действий по охране окружающей среды Республики Узбекистан на 2008 — 2012 годы».
9. «Кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзб. Респ. Президентининг ПП -1071 қарори (14.08.2009 й.).

10. **Итоги социально – экономического развития Республики Узбекистан за 2009 г.**
11. **Ниязхонов Т.Н. Ўзбекистонда кимё фани ва саноати тарихи ва ривожланиш истикболлари. // Кимё йўналиши 4 курс талабалари учун видеомаъруза материаллари. – Бухоро: БухДУ, 2010. – 36 б.**
12. **Туробжонов С.Н., Ахмеров К., Исматуллаев П. Кимёгар академиклар. – Тошкент: «Эзгулик чашмаси» нашриёти, 2006. – 112 бет.**
13. **Ўзбек кимёгарлари. Абдуллаев Ш.В. таҳрири. – Наманган, НамДУ, 2002. – 44 б.**
14. **Умаров Б.Б. Кимё тарихи фанидан маъруза матнлари. – Бухоро: Зиё-Ризограф, 2003. - 119 бет.**
15. **МУЪТАБАР ЗИЁ МАСКАНИ (1918 -2008 йй.). Ўзб.МУ 90 йй. юбилей материаллари. – Тошкент: Г.Гулом нашриёти, 2008. – 152 бет (78-83 бет).**
16. **Кашфиётлар эл соғлиги йўлида. // Ўзб. Респ. ФА ўсимлик моддалар кимёси институти фаолияти ҳақида жамоатчи муҳбир А. Даминов материаллари. – Ишонч газетаси, 2010 йил 20 май № 60 сони (2785).**
17. **Динамика развития нефтехимической промышленности Узбекистана. // [http:// chemmarket.info/ ru](http://chemmarket.info/ru).**
18. **<http://www.uzdaily.com> - электронная газета Узбекистана.**
19. **[www. uzkimyosanoat.uz](http://www.uzkimyosanoat.uz) - «Ўзкимёсаноат» ДАК ахборот портали.**
20. **[www. navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz) - «Навоийазот» ОАЖ сайти.**
21. **[www. akademy.uz](http://www.akademy.uz) - Ўзб. Респ. Фанлар Академияси сайти.**
22. **[www. polchemphys](http://www.polchemphys) - Ўзб. Респ. ФА Полимерлар кимёси ва физикаси ин-ти сайти.**
23. **[www. Edu.uz](http://www.Edu.uz) - Ўзб. Респ. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги портали.**
24. **www.uzex.com - Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржа веб-сайти.**
25. **[www. gazeta.uz](http://www.gazeta.uz) - Ўзб. Респ. Ахборот агентлиги электрон газетаси.**

26. ChemOffice Net - Кимё бўйича электрон кутубхоналар тизими, ихтисос-
сослашган сайтлар тизими, компьютер дастурлари ва электрон дарсликлар.
27. Chemport.ru + - Кимё соҳаси бўйича барча ахборотлар, корхоналар ва
товарлар, турли хизматлар ва вакант иш жойлари ҳақида ахборотлар.
28. www. Ziyonet.uz - ОЎМТВ электрон кутубхоналар тизими, ахборот портали.
29. www. Googl.ru / Rambler.ru / Mail.ru / - Интернет ахборот ахтариш тизимлари.
30. Символ нашего экономического потенциала – Кунградский содовый завод.
// Материалы поездки Президента РУ И. Каримова 17-18 мая в Приаралье.

ЭКСПОРТГА ЧИКАРИЛАЁТГАН КИМЁВИЙ ТОВАРЛАР

(«Навоийазот» ОАЖ мисолида)

"Navoiyazot"



"Navoiyazot"

Address: 210105, Uzbekistan, Navoi-5
 Bank: NBU for FEA of Uzbekistan,
 MFO 00196
 Acc № 20210840900429662002
 Tel.: +(99879) 229-22-00, 229-22-04,
 229-20-54
 Fax: +(99879) 223-75-80, 229-22-90
 E-mail: nazot@rol.uz
 Official site: www.navoiyazot.uz
 Chairman: Botirov Bahtiyor Baratovich

Манзил: 210105, Ўзбекистон, ш.Навоий-5
 Банк: Миллий банк ВЭД РУз,
 МФО 00196, в/с 20210840900429662002
 Тел.: +(99879) 229-22-00, 229-22-04,
 229-20-54
 Факс: +(99879) 223-75-80, 229-22-90
 E-mail: nazot@rol.uz
 Расмий сайти: www.navoiyazot.uz
 Бошқарув раиси: Ботиров Бахтиёр
 Баратович

| № | Товар тавсифи Description of goods | «Navoiyazot» ОАЖ FCA шартларида бахоланиши Price, delivery term FCA OJSC «Navoiyazot» |
|---|---|--|
| 1 | ГОСТ 2-85Е аммиак селитраси полипропилен қопларда (50+1)кг Ammonium nitrate, GOST 2-85E in polypropylene bags (50+1)kg | 125 US\$/tn |
| 2 | Сульфат аммоний ТSh 6.1-00203849-13:1999 полипропилен қопларда (50+1)кг Ammonium sulphate TSh 6.1-00203849-13:1999 in polypropylene bags (50+1)kg | 165 US\$/tn |
| 3 | Суюқ техник аммиак ГОСТ 6221-90, с изм.1 Commercial-Grade Liquid Ammonia GOST 6221-90, rev.1 | 250 US\$/tn |
| 4 | Сувли техник аммиак ГОСТ 9-92 Commercial-Grade Hydrous Ammonia GOST 9-92 | 100 US\$/tn |
| 5 | Штапел толаси ва полиакрилонитрил пахтасимон жгут ТSh 6.1-00203849-97:2003, ТSh 6.1-00203849-75:2001 Оқартирилган Бўялган Colored Polyacrylonitrile Staple Fiber and Tow of Woolen Type TSh 6.1-00203849-97:2003, TSh 6.1-00203849-75:2001 Raw whiteDyed | 1100 US\$/tn 1192-1429 US\$/tn 1100 US\$/tn 1192-1429 US\$/tn |

| | | |
|-----------|--|-------------------------|
| 6 | Полиакрилонитрил тўқиш ипи TSh 6.1-00203849-70:1998 200/2 32/2 Poliacrylonitrile Yarn TSh 6.1-00203849-70:1998 200/2 32/2 | 2.95 US\$/1kg |
| 7 | Нина билан таралган мато ТУ Уз 6.1-17-98 Non-Woven Cloth TU Uz 6.1-17-98 | 1.00 US\$/m |
| 8 | Технологик газсимон кислород TSh 6.1-00203849-69:1998 Gaseous Technology Oxigen TSh 6.1-00203849-69:1998 | 7.5 US\$/balloon |
| 9 | Эритилган техник пиролиз ацетилен ТУ Уз. 6.1-44-95 Acetylene Pirolised Dissoluted Technological TU Uz. 6.1-44-95 | 33 US\$/balloon |
| 10 | Суюқ икки оксидли углерод ГОСТ 8050-85, с изм.1 Liquid Carbon Dioxide (CO2) GOST 8050-85, rev.1 | 150 US\$/tn |
| 11 | Синтетик сирка кислотаси (99,5±0,5)% TSh 6.1-00203849-08:2004 Synthetic Acetic Food Acid (99,5±0,5)% TSh 6.1-00203849-08:2004 | 600 US\$/tn |
| 12 | «Аммиакли» русумли техник полиакриламид-гель ТУ Уз. 6.1-64-97 Polyacrylamide Industrial Gel of «Ammonia» make TU Uz. 6.1-64-97 | 1500 US\$/tn |
| 13 | К-4 препарати (сувда эрувчан полимер) ТУ Уз.6.1-53-95 Preparation K-4 (water-soluble polymer) TU Uz. 6.1-53-95 | 300 US\$/tn |
| 14 | ПАА-ГС флокулянти TSh 6.1-00203849-29:1994 Flocculant PAA-GS TSh 6.1-00203849-29:1994 | 2450 US\$/tn |
| 15 | Синтетик техник хлорид кислотаси ГОСТ 857-96 Synthetic Hydrochloric Acid of commercial grade GOST 857-96 | 110 US\$/tn |
| 16 | Сирка алдегиди (ацетальдегид), TSh 6.1 00203849 100:2008, цистерна Acetic aldehyde, TSh 6.1 00203849 100:2008, in Buyer's bulks | 1010 US\$/tn |
| 17 | Техник метанол, TSh 6.1-00203849-80:2002 Methanol of commercial grade, TSh 6.1-00203849-80:2002 | 325 US\$/tn |
| 18 | Техник газсимон аргон ГОСТ 10157-79 Gaseous argon of commercial grade GOST 10157-79 | 33 US\$/balloon |
| 19 | Техник формалин ГОСТ 1625-89 Formaldehyde of commercial grade GOST 1625-89 | 420 US\$/tn |
| 20 | Суюқ хлор ГОСТ 6718-93 цистерна Liquid chlorine GOST 6718-93 in bulks | 140 US\$/tn |
| 21 | «Унифлок» препарати, TSh 6.1-00203849-43:1995 Universal flocculant «Unifloc», TSh 6.1-00203849-43:1995 | 2300 US\$/tn |

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА САЙЛАНГАН**ЎЗР ФА КИМЁГАР АКАДЕМИКЛАРИ**

1. Абдуваҳобов Абдували Абдусаматович (т.й. 1941) – элементорганик бирикмалар кимёси соҳаси бўйича 1995 йилда сайланган.

2. Абидов Абдурахим Абидович (т.й.1929) – микробиология соҳаси бўйича 2000 йилда сайланган.

3. Абидова Муҳаббат Фозиловна (т.й.1931) – кимёвий технология жараёнлари ва аппаратлари соҳаси бўйича 2000 йилда сайланган.

4. Арипов Ғоҳир Фотихович (т.й.1945) – биомолекуляр спектроскопияси соҳаси бўйича 1995 йилда сайланган.

5. Асқаров Мирхожи (т.й. 1931) – юқори молекулали бирикмалар кимёси соҳаси бўйича 2000 йилда сайланган.

6. Беглов Борис Михайлович (т.й.1938) – ноорганик моддаларнинг кимёвий технологияси соҳаси бўйича 2000 йилда сайланган.

7. Глушенкова Анна Ивановна (т.й.1926) – табиий кимё ва физиологик фаол моддалар соҳаси бўйича 2000 йилда сайланган.

8. Искандаров Саъдулла (т.й. 1939) – органик кимё соҳаси бўйича 2000 йилда сайланган.

9. Миркомиллов Тўлқин Миромиллович (т.й. 1939) – пластик масса ва ойна пластикларининг технологияси ва қайта ишлаш, 1995 йилда сайланган.

10. Неъматов Сойибжон Содикович (т.й. 1941) – ноорганик кимё соҳаси бўйича 1994 йилда сайланган.

11. Парпиев Нусрат Аъзамович (т.й. 1931) – ноорганик кимё соҳаси бўйича 1995 йилда сайланган.

12. Рашидова Сайёра Шарафовна (т.й. 1943) – юқори молекуляр бирикмалар кимёси соҳаси бўйича 2000 йилда сайланган.

Битирувчи: _____ Ф.Хамраева Сана: